

ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ.

University of science and technology
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти.
Калканов Э.Т.Фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ёшларда ватанпарварлик эътиқодини шакллантиришда халқимизнинг бой тарихий маданий-маънавий меросидан ташқари, кадриятлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Кадриятлар инсон ва жамият ҳаётида доимо муҳим роль ўйнайди, улар жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётининг маҳсули, инсон маънавий камолотининг энг асосий омили бўлиб келган. “Кадриятлар инсон ва жамият тараққиётига моддий ва маънавий бойликларнинг яратилишида инсон ва жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этадиган ижтимоий ҳодисадир”¹

Инсоннинг борлиққа ва ўзига бўлган фаол муносабати, унинг моддий ва маънавий ҳаёти фаолияти уни ўраб турган табиий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитлар инсон манфаатига хизмат қилиши жиҳатидан турли хил кадриятларни шакллантиради.

Инсон ва жамият ҳаётида улар манфаатига хизмат қилиш имкониятига эга бўлган ҳар қандай нарса, ҳодиса ва воқеа инсон ва жамият эҳтиёжини қондиришига улар ҳаёти ва фаолиятини давом эттиришга қодир бўлганлиги учун уни кадрият деб атайди.

Умуман олганда, биз кадриятлар деганимизда инсон ва жамият ҳаёти тарихий тараққиётида юзага келган маълум кадр-қимматга ва аҳамиятга эга бўлган, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган инсон ва жамият ҳаётида ижтимоий аҳамият касб этувчи барча табиий ва ижтимоий нарса ва ҳодисалар, моддий ва маънавий бойликлар неъматлар ва фазилатларни тушунамиз.

Шу сабабли муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовдан мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг истиқлоли ва истиқболини таъминлашда айниқса ёшларимизда ватанпарварликни шакллантиришда кадриятлардан фойдаланиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлайди.

“Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида менталетимизга ёд бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳолда умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш”¹

Кадриятларнинг моҳиятини билиш, уларни ўзлаштириш, уларга эътиқод ва ихлос қўйиш ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий бирлик ва бирдамлик туйғусини, инсонпарварлик, халқпарварлик,

¹ Юсопов Э.Ю. Кадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. ТДТУ Тошкент.: 1993 й. 3-б.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. 2008 йил 1 март “Халқ сўзи” газетаси.

адолатлилик, халоллик, поклик, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўли билан ривожланаётган ҳозирги шароитда кадриятларнинг ёшларимизга ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрни бор. “Миллий давлатчилигимиз ва миллий кадриятларимизни мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларини белгилашда биз халқимизнинг моддий ва маънавий оламини юксалтириш, айниқса ёш авлодимизни ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, кадрлаш билан бирга, умумбашарий кадриятлар, замонавий илмий фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласини ўзимиз учун устувор вазифа қилиб қўйганмиз”²

Ёшларда ватанпарварликнинг шаклланиши бу унинг миллий ва умуминсоний кадриятлар муштараклигини билиши, эгаллаб олишидир. Ватанпарварликни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган кадриятлар миллий тараққиёти, унинг тарихи ва маданияти, санъат ва адабиёти, турмуш тарзи, ахлоқи, эътиқоди, ижтимоий руҳияти билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, маросимлари, анъаналаридир.

Катта ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кадриятлардан бири - бу жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодасини сақлаш, ривожлантириш, кенг фойдаланиш учун зарур бўлган кадриятдир.

Жамоатчилик фикрининг ткучи ёшларга жуда эрта сингдирилади ва оиладаги, жамоатчилик ичидаги тарбиянинг муҳим қисми бўлади. Жамоатчилик фикрига қулоқ солиш, бошқаларни ҳурмат қилиш, шахсий худбинлик ботғоғига ботиб қолмаслик билан боғлиқдир.

Ўзбек миллий кадриятлари умуминсоний ва минтақавий кадриятлар билан чамбарчас боғлангандир. Улар ўртасидаги мунтазам давом этиб борадиган диалектик муносабат-алоқадорлик жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим омилларидан биридир.

Миллий кадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маданияти, ахлоқий ва руҳий фазилатлари, яшаш шароити, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлангандир. Миллий кадриятларнинг ҳар бир кўринишини узоқ тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш орқалигина тўғри тушуниб олиш мумкин. Миллатлар мавжуд экан, миллий кадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аҳамияти асло камаймайди. Миллатларнинг маънавий жиҳатдан бир-бирига яқинлашиб бориши ҳам миллий кадриятларнинг ривожланиш ва амал қилиш имкониятларини камайтирмайди. Умуман олиб қараганимизда, миллий кадриятлар ҳар бир миллатнинг моҳиятини, муайян мустақил ижтимоий бирлик эканини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир. Мустақиллигимизнинг маънавий заминини мустаҳкамлаш ахлоқ, одоб, тарбия борасидаги миллий

² Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси”. 2007 йил 15 август “Миллий тикланиш” газетаси.

кадриятларимизни чуқур ўрганишимиз, ҳаётга жорий этишимизга ҳам боғлиқдир. Бу хусусда академик Э.Юсупов шундай ёзади: “Ахлоқ, одоб, тарбия борасида бошқа халқлардан ҳам кўп нарса ўрганмоғимиз мумкин ва лозим. Лекин, Ўзбекистон ҳам жаҳонга кўз-кўз қилиш мумкин бўлган, бошқалар ҳам ўрганиб ибрат олса арзийдиган кадриятлар борки, уларни унитиш, оёқ ости қилиш, ўтганлар хотираси олдидагина эмас, балки бўлажак авлод олдида ҳам катта гуноҳдир”.³

Ҳар бир миллатнинг турли табақалари ўртасида кадриятлар ривожланиши ва амал қилишда миллий онг, миллий бирдамлик туйғусининг аҳамияти каттадир. Миллий қиёфа ва маънавиятдан маҳрум бўлган кишилар бошқа миллатлар маданияти таъсирига тез берилиши, ўз тили, тарихи анъаналарига эса нигилистик муносабатда бўлиши мумкин. Агар шундай аҳвол маълум сиёсат таъсирида кегайиб борса, миллат бирлиги ва камолоти учун ниҳоятда хатарли бир ҳол юзага келади.

Албатта, агар ҳар бир миллат ўз миллий кадриятлари қобиғида ўралашиб қолса, шу миллатнинг тараққиётига путур етади. Миллий маҳдудлик ва калондимоғлик ҳеч вақт маънавий камолот омили бўлган эмас. Бошқа миллатларнинг маданияти, кадриятларини ўрганиш ҳамма вақт ҳам тараққиётнинг омилларидан бири бўлиб келган.

Кадриятлар жумласига она тили ва адабиёти, миллий, диний байрамлар, ҳар хил маросимлар, оилапарварлик, болажонлик, ота-онага, кўниқшиларга, қариндош-уруғларга, маҳлла-куйга, кексаларга ҳурмат, меҳр-мурувватлик раҳм-шавқатлик, озодлик, ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқодлик, ватанимиз гўзал табиатидан илҳомланиш, уни асраш маданиятига эга бўлиш каби фазилатлар киради.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Лоақал миллий кадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, идр-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман”⁴

Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик эътиқодининг шаклланиши фақат тарихий ўтмишимизда юзага келган кадриятларни чуқур билиш аниқлашдан иборат эмас. Ёшларимиз шу билан бирга Ватанимиз, халқимиз, эл-юртимиз олдида турган ҳозирги ва истиқболдаги вазифаларни ҳам теран англаши, билиши зарур, бу борада жонбозлик, фидоийлик, донкуярлик намуналарини ҳам кўрсатишлари зарур.

Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ватанпарварликнинг маънавий замини ҳам тобора бмураккаблашиб бормоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағини аяш, ўз келажагига болта уриш демақдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва манъатнинг ютуқлари. Ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий маъминланганлигидан қатъий назар, қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижтимоий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш уларга ҳар томонлама ёрдам

³ Юсупов Э.Ю. Истиқлол йўлида. Т.: Фан, 1996. Б. 103.

⁴ Баркамол авлод орзуси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2000 й. 70-бет.

кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир”⁵

Ватанпарварлик эътиқодининг қарор топтиришда уни “шакллантириш” ва “тарбиялаш” каби тушунчаларни ҳам бир-биридан фарқламоқ лозим. Бу икки тушунча нисбатида “ватанпарварликни шакллантириш” дейилганда биз одатда ватанпарварликни муайян ижтимоий муҳитда маълум табиий ижтимоий ва маънавий омиллар асосида уни вужудга келтиришни тушунамиз.

Бунда мавжуд ижтимоий омиллар, ижтимоий муносабатлар, уларнинг характери, ҳар бир кишининг ватан манфаати йўлида қилаётган катта кичик иш фаолияти, унинг ният-тилаги, уриниши, орттирган тажрибаси ҳосил қилган билимлари, кўникма ва малакалари, унга бошқаларнинг берган баҳоси, қабилар муҳим роль ўйнайди.

Ватанпарварни тарбиялаш дейилганда, эса мазкур жараённинг муҳим томони яъни кишилар жамоа аъзолари, ижтимоий институтлар давлат ва ҳуқуқий муассасалар томонидан ёшларда маълум ижтимоий гуруҳларда ўз тақдирини Ватан тақдири билан муштараклаштириш ватанпарварлик ҳисси, эътиқодини қарор топтиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият усуллари тушунилади.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т. Ўзбекистон -1998 й. 62-бет.